# ЯНГИ ЙИЛИНГИЗ ҚУТЛУҒ БЎЛСИН!

*Erursen shoh, agar ogohsen sen, Agar ogohsen sen, shohsen sen*

# Хабар

**O'ZBEKISTON POCHTA VA TELEKOMMUNIKATSIYALAR AGENTLIGI NASHRI**

1992 yil martdan chiqa boshlagan • 2001 yil, 28 dekabr № 52 (485) Sotuvda narxi erkin

## *ҲУРМАТЛИ ҲАМКАСБЛАР ВА АЛОҚА СОҲАСИ ХОДИМЛАРИ!*

*Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги Ҳайъати номидан Сиз алоқачиларни янги – 2002 йил билан чин қалбдан табриклайман.*

*Поёнига етаётган йилда мустақиллигимизнинг ўн йиллигини нишонладик. Ана шу ўн йил ичида алоқа соҳасида мисли кўрилмаган ўзгаришлар бўлди. Чет эл технологияларининг кириб келаётгани, янги-янги корхоналар бунёд этилаётгани, алоқа хизматининг жаҳон андозалари даражасига кўтарилаётгани – буларнинг барчаси мустақиллик шарофатидандир.*

*Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг тўққиз йиллиги муносабати билан ўтказилган тадбирда келаётган йилни "Қарияларни қадрлаш йили" деб эълон қилдилар. Якунланаётган "Оналар ва болалар йили" нинг мазмунан давоми сифатида номланган бу йил бизга янада каттароқ масъулият юклайди.*

*Одатда, янги йил бошида ўтган йилда бажарилган ишлар сарҳисоб қилинади. 2001 йили алоқачиларнинг ўз касбига садоқати, саъй-ҳаракати ва ташаббуси туфайли режада белгиланган асосий ишлар бажарилди. Бевосита ишлаб чиқариш билан боғлиқ муаммолар ҳал қилинди. Натижада алоқа иншоотлари қурилишида, мамлакатимиз аҳолиси ва халқ хўжалигига хизмат кўрсатишда муҳим ютуқлар қўлга киритилди. Хорижий алоқачилар билан ҳамкорликни кучайтириш ҳамда республикамиз телекоммуникация тармоқларининг тараққиёти учун чет эл сармояларини жалб қилишда салмоқли ишлар қилинди.*

*Эришилган ютуқлар заҳматкаш алоқачиларнинг ўз вазифаларига сидқидилдан ёндашишлари ва фидойиликлари самарасидир.*

*Азиз ҳамкасблар!*

*Янги – 2002 йилда ҳам амалга оширмоқчи бўлган режаларимиз ва орзу-ниятларимиз кўп. Бошлаган хайрли ишларимизни давом эттириш ва мижозларнинг ўсиб бораётган талаб-эҳтиёжларига мос, намунали хизмат кўрсатиш асосий мақсадимиздир.*

*Оилангиздан доимо шоду хуррамлик аримасин. Юртимиз равнақи йўлидаги меҳнатингизда ҳамиша омад ёр бўлсин. Янги йилда ҳам соҳа ривожи ва тараққиёти йўлида халқимизга сифатли, замонавий хизмат турларини кўрсатишда ўз саъй-ҳаракатингизни аямайсиз деб умид қиламан. Сизларга оилавий тинчлик-тотувлик, сиҳат-саломатлик тилаб қоламан.*

*Янги йилингиз муборак бўлсин!*

**А. ОРИПОВ,**
**Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги Бош директори**



## ХОРАЗМДА АЛОҚАЧИЛАР МАСЛАҲАТЛАШУВИ

Урганч шаҳрида "Қишлоқ жойларида хизмат кўрсатишни автоматлаштириш ва замонавий технологиялар асосида кўрсатилаётган телекоммуникация хизматлари сифатини яхшилаш" мавзуида алоқачиларнинг республика семинар-кенгаши бўлиб ўтди. Кенгашдан мақсад қишлоқ жойларида аҳолига хизмат кўрсатишни шаҳар ва туман марказларидаги даражага чиқаришни муҳокама қилиш, ўзаро тажриба алмашиш, Хоразм вилояти алоқачилари қўлга киритган ютуқлар билан танишиш эди. Барча вилоят акциядорлик жамиятлари раҳбарлари, туман филиаллари бошлиқлари ва мутахассислардан иборат семинар қатнашчилари кўҳна Хоразм заминига ташриф буюришди.

Йиғилишни "Ўзбектелеком" АК бош директори биринчи ўринбосари Э. Аллаев очиб, барча иштирокчиларни қутлар экан, улар олдида турган асосий вазифаларга тўхталиб ўтди. "Хоразм Телеком" акциядорлик жамияти бош директори М. Собиров вилоят қишлоқ жойларида телекоммуникация хизмати сифатини яхшилаш бўйича ўтказилаётган тадбирлар хусусида маъруза қилди. Корхонанинг Қўшкўпир филиали директори О. Полвонов, Хонқа филиали бош муҳандиси К. Ҳамроев, Боғот филиали директори М. Нурметовлар ўз тажрибаларини сўзлаб беришди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил, 1 августдаги "Ўзбекистон телекоммуникациялар тармоғини 2010 йилгача бўлган даврда реконструкция қилиш ва ривожлантириш миллий дастури тўғрисида"ги қарори бошқа вилоятлар сингари Хоразмда ҳам замонавий технологияларга асосланган телекоммуникация тизимини яратиш ва ривожлантиришга асос бўлди. Мазкур дастурга мувофиқ умумий сиғими 61 минг рақамга тенг бўлган 12 та DTS-3100 ва 5 та 1100 русумли телефон станциялари ўрнатилди. 197,5 километр узунликда оптик толали кабел ётқизилди. Шаҳар ва қишлоқ орасидаги хизмат кўрсатиш даражасини тенглаштиришга асосий эътибор берилди. Бешта туманнинг 20 та қишлоқ АТСлари АОН ускуналари билан жиҳозланди ва ҳар бир мижознинг халқаро ҳамда шаҳарлараро уланишлари автоматлаштирилди.

Яқинда Хонқа тумани маркази билан Охунбобоев номли жамоа хўжалиги оралиғида оптик толали кабел ётқизилиб, ИКМ-120 ускуналари ишга туширилди. Шунингдек, Урганч шаҳридан Саримой ва Тупроққалъа аҳоли пунктлари, Хонқа туман марказидан "Ғалаба" ширкат хўжалиги, Янгиариқ туман маркази билан "Гулистон" ширкат хўжалиги ўрталарида ИКМ-30 ва ИКМ-15 ускуналари ўрнатилиб, алоқа хизмати кўрсатиш сифати яхшиланди.

Семинар иштирокчилари Қўшкўпир, Шовот, Гурлан, Хонқа, Ҳазорасп туманларида бўлиб, ушбу филиаллардаги ишлар билан яқиндан танишдилар, Урганч ва Хивадаги тарихий обидаларни кўздан кечирдилар.

Семинар-кенгашда Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги бош директори ўринбосари Ш. Обидхўжаев иштирок этди ва нутқ сўзлади.

**Фарҳод МУҲАММАДИЕВ,**
**Хоразм вилояти**

## ЯНГИ ЙИЛ КЕЛМОҚДА

*Аччиқ армонларим қолдириб ортда,*<br>
*Ў, умид отлари сачратиб учқун,*<br>
*Қор қушининг момиқ қанотларида,*<br>
*Янги йил келмоқда, дўстларим, бугун.*

*Қуёш ҳам фалакда кўрсатмас рухсор,*<br>
*У қиш булутларин қаърида беун.*<br>
*Бироқ, чеҳраларда қуёш акси бор,*<br>
*Янги йил келмоқда, дўстларим, бугун.*

*Ёруғ хаёлларнинг қўйнига шўнғиб,*<br>
*Салмоқлаб кўраман, кунларим дуркун.*<br>
*Руҳим қувончларга кетар кўмилиб,*<br>
*Янги йил келмоқда, дўстларим, бугун.*

*Жиrik орзуларим дунёси томон,*<br>
*Бағримдан отилар оловли учқун.*<br>
*Кўксим соф ҳисларга тўлади шу он,*<br>
*Янги йил келмоқда, дўстларим, бугун.*

*Турсун АЛИ*

# ЭЗГУ ИШЛАР ДАВОМ ЭТАДИ

Корхоналар маъмурияти ва касаба уюшма қўмиталари ўртасида ишловчиларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий муҳофазалашга оид тузиб келинаётган жамоа шартномаларида меҳнат аҳли манфаатлари асосий ўринни эгаллайди. Ушбу шартномага мувофиқ 1209 кишилик жамоага эга бўлган "Бухоро Телеком" акциядорлик жамияти ҳамда унинг шаҳар ва тумандардаги филиаллари ижобий натижаларга эришиб келмоқда.

Жамоа шартномаларида кўрсатилганидек пенсия ёшига етган алоқачилар 2 ойлик иш ҳақи миқдорида мукофот пули оладилар. Корхонада 5 йилдан 10 йилгача ишлаган ходимлар телефон хизмати ҳақининг 50 фоизини тўлайдилар, холос. 10 йилдан иш стажига эга бўлганлар эса абонент тўловидан тўлиқ озод этилганлар. Ходимларнинг уйларига телефон ўрнатишда ҳам қатор имтиёзлар белгиланган.

"Оналар ва болалар йили"га бағишлаб ўтказилган аёллар спартакиадасида соҳа хотин-қизлари спортнинг волейбол, югуриш, стритбол турлари бўйича ўз кучларини синаб кўрдилар. Дастлаб туманлараро, сўнгра вилоят ва республика миқёсида ўтказилган спартакиада баҳсларида фаол иштирок этдилар. Шунингдек, 8 март байрами арафасида вилоят бўйича соҳада меҳнат қилаётган 377 нафар ходималарга 1 миллион 347,5 минг сўмлик, республикамиз мустақиллигининг ўн йиллиги байрами муносабати билан 3 миллион 850 минг сўмлик мукофот пуллари берилди.

Вилоят алоқа корхоналарида ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш ва дам олишларини тўғри ташкил этиш масалаларига ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. "Ёш алоқачи" болалар соғломлаштириш оромгоҳида ҳар йили кўплаб мактаб ўқувчилари мазмунли ҳордиқ чиқариб ёз фаслини кўнгилли ўтказмоқдалар. Шунинг ўзига жорий йилда 2 миллион 241,3 минг сўм сарфланди.

Корхоналарда меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлигини таъминлаш жиддий масалалардан биридир. Кейинги икки йилда ана шу мақсадлар учун акциядорлик жамияти томонидан 22 миллион сўмдан зиёд маблағ ажратилди. Бу ўз навбатида келиб чиқиши мумкин бўлган бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш, ишлаб чиқаришда хавфсиз ва соғлом муҳитни барқарор этишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Кексалик гаштини сураётган пенсионерлар ҳам касаба уюшма қўмиталари ва маъмуриятларнинг доимий эътиборида. Жамоа шартномасида ёлғиз яшайдиган пенсионерлар учун ҳам бир қатор имтиёзлар белгиланган. Уларга ҳар йили энг кам иш ҳақининг 4 баравари миқдорида моддий ёрдам берилмоқда. Бу йилги Наврўз, Хотира ва Қадрлаш куни, Мустақиллик куни муносабати билан кексаларга ҳам жами 1 миллион 340,6 минг сўм тарқатилди.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, "Бухоро Телеком" АЖ корхоналарида инсон омилига бош масала сифатида қаралмоқда. Бу каби эзгу-хайрли ишлар кириб келаётган янги – 2002 йилда ҳам давом этади.

Янги йил барчага омад йили бўлсин. "Қарияларни қадрлаш йили" да ҳар бир ҳамюртимиз пиру бадавлат отахону онахонларимизнинг дуоларини олиш бахтига мушарраф бўлсин. Зеро, кексаларнинг дуоси ижобат бўлғусидир.

**У. ФАХРИДДИНОВА,**
**Бухоро алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси раиси**

# ҚАРИЯЛАР ЭЪЗОЗГА ЛОЙИҚ

Фарғона вилоятида 311 минг 287 нафар пенсионер истиқомат қилади. Уларга ўз вақтида кексалик пенсияларини етказиб беришда "Фарғона почтаси" АЖ ва унинг филиаллари ходимлари баҳоли қудрат хизмат қилмоқда.

Келаётган йил барчамиздан янада қатта масъулият талаб қилади. Негаки, 2002 йил Президентимиз И.Каримов таклифи билан "Қарияларни қадрлаш йили" дея эътироф этилди. Зеро, кексаларни эъзозлаш маънавиятимиз ва қадриятларимизга хос, эзгу анъаналардан ҳисобланади. Шундай экан, янги йилда мижозларга, хусусан, қарияларимизга астойдил, сифатли хизмат кўрсатайлик. Уларни моддий-маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлайлик, дуоларини олайлик. Бу эзгу мақсадлар йўлида барча касбдошларимга куч-қувват, фаоллик тилайман ва уларни кириб келаётган янги йил билан муборакбод этаман.

**Н. КАРИМОВ,**
**"Фарғона почтаси" АЖ директори**

# ҚУРУЛТОЙ БЎЛИБ ЎТДИ

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлигининг мажлислар залида Республика алоқа ходимлари касаба уюшмаси марказий қўмитасининг V қурултойи бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмаси марказий қўмитаси раиси Т. Назаржонов олиб борди ва маъруза қилди.

Маърузачи соҳа касаба уюшма қўмиталарининг меҳнат муҳофазасини таъминлаш борасида олиб бораётган ишлари тўғрисида фикр юритди. У бу масалага жойларда етарли аҳамият берилмаганлиги натижасида кўпгина вилоятларда бахтсиз ҳодисалар рўй берганлигини, энди бу масалага жиддийроқ эътибор бериш лозимлигини таъкидлади. Ҳисоботлар юзасидан "Ўзбектелеком" АК бош директори Ҳ. Муҳитдинов, "Шаҳарлараро алоқа корхонаси" АЖ бош директори А. Жўрабоев, Бухоро, Самарқанд, Сирдарё, Сурхондарё, Андижон, Тошкент вилояти алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшмалари қўмиталари раислари У. Фахриддинова, Т. Раҳматов, Э. Турдибоев, А. Даминов, П. Ҳошимов, Ю. Ғофуровлар сўзга чиқишиб, ўз фикр-мулоҳазаларини, таклифларини билдиришди.

Қурултой ишида Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлигининг бош директори ўринбосари А. Избосаров, Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси кенгаши раисининг биринчи ўринбосари М. Расуловлар қатнашиб, сўзга чиқишди. Кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**И. АҲМЕДОВ**

# АССАЛОМУ АЛАЙКУМ, "АНДИЖОН ТЕЛЕКОМ" ЭШИТАДИ

***Андижон шаҳарлараро телефон станциясида ШАТС цехи бор. Цехда шаҳарлараро телефон станцияси, коммутатор, статив ва ЛАЦ ҳисоблаш маркази, ҳисоб гуруҳи каби бўлимлар мавжуд. Уларда етмишдан зиёд ходим меҳнат қилади. Муҳандислар, техниклар, телефончилар ва ишчилар... Буларга алоқадор барча масалалар бўйича ШАТС бошлиғи Озодахон ОТАЖОНОВА масъулдир. Янги йил арафасида Озодахонни суҳбатга тортдик.***

**– Озодахон, иш фаолиятингиз ҳақида сўзлаб берсангиз?**

– 1981 йили Тошкент электротехника алоқа институтини тамомлаб, йўлланма билан ишга келдим. Дастлаб ЛАЦ муҳандислигидан иш бошлаганман. Биласизми, институтда асосан назария ўқитилади. Иш бошлаганда билдимки, амалиёт бошқа экан. Қизариб қолмаслик учун соҳадаги барча жиҳозлар ишини астойдил ўрганишга ҳаракат қилдим. Бу борада менга Олег Абдиев, Михаил Колесников сингари тажрибали мутахассислар мураббийлик қилишди. Ўқиб, ўрганиб кам бўлмадим. Энди билимларимни ёшларга ўргатяпман. Устига-устак катта цех – шаҳарлараро телефон станциясини ишониб топширишди. Бу катта масъулият. ШАТСда аввал 200 дан кўп ходим ишлар эди. 1996 йилда эски АМТС-3 ўрнига Жанубий Кореянинг DTS-2000 русумли АМТСи қуриб, ишга туширилди. Ҳозирда ходимлар сони камайгани билан иш ҳажми янада ортди. Мисол учун эски АМТС-3да йиллик сўзлашувлар сони ўртача 1,0 миллионни ташкил этган бўлса, жорий йил бўйича бу рақамлар 2,5 миллионга етди. Бугунги кунда ушбу цехда Андижон шаҳри, вилоят бўйича боғланишлар, шаҳарлараро алоқа трафиклари таҳлил қилинади. Коммутатор бўлими, шаҳарлараро таксофонлар бор. Яна яқинда АСУ бўлими тузилди. Шаҳар тузилиши компьютерлаштирилди.

**– Ҳар бир раҳбарнинг ўзига хос бошқарув усули бўлади. Иш унумини оширишда нималарга эътибор бериш керак?**

– Бундай ишларда кимнингдир иш услуби, фаолиятини шундоққина кўчириб бўлмайди. Ҳар бир ходимнинг характери, билимига мос муносабатда бўлиш, уларни янги техникани янада ўзлаштиришга йўналтириш муҳим деб ҳисоблайман. Хизматчилардан ишни талаб қилишдан олдин уларга етарли шароит яратиб бериш керак. Бу борада ҳам бизда бирмунча ишлар амалга оширилган. Дам олиш, овқатланиш хоналари, аёллар гигена хонаси, алоҳида кийим алмаштириш хоналари бор. Маънавият хонаси жиҳозланмоқда. Коммутатор бўлимида муомала маданияти муҳим аҳамият касб этади. Ушбу йўналишда ҳар кунги якунлар таҳлил қилиб борилмоқда. Ҳозир қўнғироқ қилган мижозларга "Ассалому алайкум, "Андижон Телеком" бешинчи эшитади" дея хушмуомала қилиш, мулоқот якунида эса хайрлашиш одатдаги ҳол бўлиб бормоқда.

**– Ечимини кутаётган қандай муаммолар бор?**

– Бугунги кунда ахборот алмашиш зарурати ҳам, ҳажми ҳам катта. Алоқа тизимини компьютерлаштириш бугунги замон талаби. АСУда биллинг марказ ташкил қилиш бўйича дастурий ишлар олиб бориляпти. Барча цехлар ва вилоят туманларини компьютер тизими билан бир-бирига боғлаш ишлари бошланган. Вилоятдаги эскирган АТСлар янгисига алмаштирилса, коммутатор бўлими замонавий электрон алоқа ускуналари билан жиҳозланса шаҳарлараро алоқа тизими янада юқори даражага кўтарилади.

Андижон вилоятида сўзлашув масканлари кўпайиб бормоқда. Шу йил Мустақиллик байрами арафасида 46-35-АТСлар қошида иккита маскан ишга тушди. Бундан ташқари ҳозир иккита хусусий маскан ҳам фаолият кўрсатмоқда. Олдимизда турган катта вазифа – бутун Андижон шаҳри ҳудудини қулай сўзлашув масканлари – таксофонлар билан таъминлашдан иборат. Бунга албатта эришамиз деб ўйлайман.

**– Оилангиз тўғрисида икки оғиз сўз...**

– Турмуш ўртоғим билан ҳамкасбмиз, у киши ҳозир Асакадаги "Андижон ДЭУ-авто" қўшма корхонасида алоқа хизмати бўлимини бошқаради. Уч нафар фарзандимиз бор.

**– Орзу ва тилакларингиз?**

– Мустақиллик йилларида бизнинг соҳада салмоқли ютуқлар қўлга киритилди. Олдимизда қилинадиган ишлар ҳали кўп. Орзуим – яқин йилларда давлатимизни жаҳондаги илғор мамлакатлар қаторида кўриш. Юртимиз янада обод ва фаровон бўлсин.

Барча алоқачи ҳамда "Xabar" муштарийларини кириб келаётган Янги йил билан табриклайман. Уларга бахт, омад, оилавий хотиржамлик ва ишларида ривож тилайман.

**Р. УЗОҚОВ суҳбатлашди**

# ТАБРИКЛАЙМИЗ!

"UZPAK" маълумотларни узатиш тармоғи давлат корхонаси жамоаси корхона бош директори ўринбосари **Владимир ШТЕЙНБЕРГ**ни 50 ёшга тўлиши муносабати билан самимий муборакбод этади. Унга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, ишларида муваффақиятлар тилайди.

"XABAR" таҳририяти жамоаси газета таҳрир ҳайъати аъзоси **Анатолий КУДИНОВ**ни туғилган куни билан чин юракдан табриклайди. Унга сиҳат-саломатлик, узоқ умр, оилавий хотиржамлик, ишларида омад тилаб қолади.

"Қашқадарё почтаси" акциядорлик жамияти жамоаси корхонанинг Қамаши филиали директор ўринбосари **Эргаш ИСЛОМОВ**ни кутлуғ 85 ёши билан ҳамда корхонанинг Шаҳрисабз филиали директори **Баҳром РАҲМОНОВ**ни муборак 50 ёшга тўлиши муносабати билан табриклайди. Уларга сиҳат-саломатлик, оилавий бахт, узоқ умр, алоқа соҳасидаги ишларида зафарлар тилайди.

*• Бетга айтганнинг заҳри йўқ*

# ҚУРУҚ ҚОШИҚ ОҒИЗ ЙИРТАР

Сирдарё вилояти, Сирдарё туманидаги Малик жамоа хўжалигининг Сафарота қишлоғида яшовчи аҳоли мана бир йилдан буён телефон хизматидан маҳрумдирлар. Сабаби "Сирдарё Телеком" АЖ раҳбариятининг бокибеғамлиги туфайли 2000 йил, декабр ойида 715 метр телефон кабели номаълум шахслар томонидан ўғирланган. Жорий йил, август ойида Сирдарё вилояти Давлат алоқа инспекцияси томонидан ушбу туманда текшириш ўтказилганда мавжуд камчиликларни IV чорак давомида тиклаш юзасидан корхона раҳбарияти ёзма равишда ваъда беришган эди.

Ушбу масала шу йил, 22 ноябрда бўлиб ўтган "Сирдарё Телеком" АЖнинг конференциясида ҳам Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги Бош директори ўринбосари Ш. Обидхўжаев томонидан муҳокамага қўйилди. Йиғилишда корхона директори С. Умаров "Кабел сотиб олдик, шу ой ичида тиклаб берамиз" дея яна ваъдани қуюқ қилди. Бироқ 2001 йил охирлаб бораяптики, муаммо ҳал этилгани йўқ.

Натижада Сафарота аҳолиси узоқ-яқиндаги ака-ука, қариндош ва таниш-билишларини янги йил билан телефон орқали табриклай олмаяптилар.

"Сирдарё Телеком" АЖнинг техник директори Т. Дадабоев вилоят ДАИга 2001 йил, 19 декабрда кабел сотиб олишга имконият йўқлигини рўкач қилиб жавоб хати йўллаган. Шу ўринда ҳақли савол туғилади. Наҳотки йирик бир корхонанинг 715 метр кабел сотиб олишга қурби етмаса? Алоқа соҳасида ишлаётган бу раҳбарлар истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, аҳолига сифатли телекоммуникация хизматларини кўрсатиш ўрнига фақат ваъдабозлик билан чекланмоқдалар. Эл хизматига камарбаста бўлиш ўрнига масъулиятсизлик қилмоқдалар. Аммо шаҳар бедарвоза эмас, ҳамма нарсанинг чеки-чегараси бор...

Юртбошимиз И. Каримов кўплаб йиғилишларда халққа хизмат қилиш, кўнглини олиш ҳар бир раҳбарнинг бурчи эканлигин куйиниб гапиради. Лекин "Сирдарё Телеком" АЖ раҳбарлари Президентимиз гапларини эшитмаётганга ўхшайди. Акс ҳолда, Малик жамоа хўжалигида яшовчиларга бундай муносабат бўлмас эди.

**А. ХУДОЙБЕРДИЕВ,**
**Сирдарё вилояти ДАИ бошлиғи**

## "БУХОРО ТЕЛЕКОМ" АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

*жамоаси алоқа соҳасида меҳнат қилаётган барча ходимларни кириб келаётган 2002 йил билан самимий муборакбод этади. Уларга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, оилавий хотиржамлик, мамлакатимиз равнақи йўлидаги эзгу ишларида муваффақиятлар тилайди.*

